

# Оғир, Ўта Оғир Ва Мураккаб Жиноятларнинг Криминалистик Тавсифи Ва Тергов Қилишда Эътиборга Олиниши Лозим Бўлган Жиҳатлари (Автотранспорт Воситасини Олиб Қочиш Мисолида)

*Л. Н. Раджапова<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мазкур мақолада оғир, ўта оғир ва мураккаб жиноятларнинг криминалистик тавсифи баён қилинган. Автотранспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг криминалистик тавсифи таҳлил қилинган. Шунингдек, тергов қилиш жараёнида эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлари юзасидан фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** оғир, ўта оғир, мураккаб, жиноят, криминалистик тавсиф, автотранспорт воситасини олиб қочиш, тергов.

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат [1].

Ички ишлар вазирлиги тергов органларида оғир, ўта оғир ва мураккаб жиноят ишларини тергов қилишни ташкил қилиш, жиноятларни олдини олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятини такомиллаштириш, одиллик, инсонпарварлик тамойилларига риоя этилишини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[2].

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради. Бу туркумдаги жиноятларга энг аввало шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган қасддан содир қилинган жиноятлар, шунингдек, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар киритилган.

Жиноятларни тегишли туркумга киритиш Жиноят кодексига белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши керак. Жиноят кодекси 34-моддасида рецидив жиноятни ҳавфли ёки ўта ҳавфли деб топиш масаласи шахснинг илгари содир қилган унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жинояти учун бир неча маротаба судланганлигига қараб ҳал қилиниши, Жиноят кодекси 51-моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат ўта оғир жиноятлар учун тайинланиши кўрсатилган.

Тавсифланиш усулига кўра жиноят таркиби оддий ва мураккаб турларига бўлинади. Оддий таркиб – бир объект, бир қилмиш, бир оқибат ва бир айб шаклига эга жиноят таркибидир. Масалан, ўғрилик (*ЖК 169-моддаси 1-қисми*).

Мураккаб таркибларда элементлар сонининг ортиши (*масалан, иккита объект, иккита қилмиш, иккита оқибат, иккита айб шакли*), жиноят содир қилиш процессининг узайиши

<sup>1</sup> ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси ю.ф.б.ф.д



(*давомли ва узоққа чўзилган жиноятлар*), элементларнинг муқобиллиги, битта таркиб доирасида бир неча оддий таркибларнинг мавжудлиги (*таркибли жиноятлар*) билан боғлиқ равишда кўп элементлилик юзага келади.

Кўп объектли жиноят таркибларида тажовуз икки ёки ундан ортиқ жиноят-ҳуқуқий нормалар билан кўриқланадиган объектга қаратилади. Мулк ва ижтимоий хавфсизликка таҳдид солувчи Жиноят кодекси 247-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби (*ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш*) кўп объектли жиноятга мисол бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ ҳаракатни назарда тутувчи мураккаб жиноят таркиблари аниқ бир жиноятни икки ёки ундан ортиқ ҳаракат билан содир этишни назарда тутуди. Масалан, номусга тегишда (*ЖК 118-моддаси*) жинсий алоқа зўрлик ишлатиб, кўрkitиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ оқибатни назарда тутувчи жиноят таркибига жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарликни белгилайдиган Жиноят кодекси 104-моддаси 3-қисми “д” бандидаги жиноят таркибини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Иккита айб шаклига эга бўлган жиноят таркибида объектив томон мураккаблашган бўлади. Бунда қасддан содир этилган жиноят оқибатида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққанлиги учун қонун жавобгарликни оғирлаштиради (*ЖК 23-моддаси*). Масалан, жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш (*ЖК 104-моддаси 3-қисми “д” банди*).

Муқобил таркибларда бир қатор қилмишлар назарда тутиладики, улардан бирини содир қилиш, жиноятни тугалланган деб топиш ва жиной жавобгарликка тортиш учун етарлидир. Масалан, монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодекси 183-моддасига мувофиқ, ушбу жиноят монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколоти берилган органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб тақдим қилиш орқали, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо кўлланилганидан кейин, содир қилиниши мумкин.

Жиноят кодекси 256-моддасига кўра, илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларини бузишдан иборат бўлган жиноят таркиби мазкур модданинг 1-қисми диспозициясида назарда тутилган оқибатлар юз берган, шу жумладан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган ҳолдагина мавжуд бўлади.

Таркибли жиноятлар икки ёки ундан ортиқ оддий мустақил жиноятлардан иборат бўлган жиноятлардир, улар алоҳида олинганида ҳар бири мустақил жиноят таркибини ташкил этади. Бундай белгиларга зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган талончилик жиноятининг таркиби (*ЖК 166-моддаси 2-қисми*) эга, унда ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилишдан иборат жиной мақсадга ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш орқали эришилади. Масалан, безорилик жинояти (*ЖК 277-моддаси*) баданга тан жароҳати етказиш ва ўзганинг мулкани нобуд қилишни қамраб олади [3].

Бугунги кунда мамалакатимизда ўта оғир жиноят ҳисобланмиш автотранспорт воситаларини олиб қочиш жинояти кенг тарқалмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ маълумотиغا қараганда, 2023 йил давомида республикамиз ҳудудида 228 та транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятлари қайд этилган[5]. Мазкур жиноятнинг криминалистик тавфсини таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли қарорининг 2-бандида “Транспорт воситалари деганда, енгил ва юк автомашиналарнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см<sup>3</sup> дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги



учун мўлжалланган ўзиюрар машиналар (*экскаватор, бульдозер, автопогрузчик, грейдер, автокран ва бошқалар*) тушунилади деб белгиланган [4].

Олиб қочиш деганда, шахснинг ўзига тегишли булмаган транспорт воситасини ўзбошимчалик билан ғайриқонуний эгаллаб олиши тушунилади. Айни вақтда олиб қочилган транспорт воситасини ҳайдаш бир жойдан иккинчи жойга жўнаш учун транспортнинг ўз механик кучи ёки бошқа кучдан фойдаланиб транспорт воситасини механик бошқаришни тақозо этади. Яъни жиноят бир жойдан иккинчи жойга жўнаш мақсадида эгалланган транспорт воситасини қўзғатиш вақтидан, яъни ҳайдаб юриш муддати узоқлиги ёки масофасидан қатъи назар, тамомланган деб ҳисобланади.

Жиноятчилар автотранспорт воситаларини олиб қочиш бошқа жиноятларни содир қилиш учун фойдаланилади. Кўпинча жиноятчилар йўл ҳаракати қонунларини бузадилар ва қўнғилсиз оқибатларга олиб келади (*транспорт воситаларининг шикастланишига инсон ҳалокатига ва бошқалар*). Аксарият ҳолларда транспорт воситаларини олиб қочиш вояга етмаганлар томонидан ҳам содир этилади, агарда уларга нисбатан ўз вақтида қатъий чора кўрилмаса бошқа жиноятларни келтириб чиқариши мумкин.

Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятларни криминалистик тавсифи кўйидаги элементлардан иборат:

- бевосита тажовуз қилинган предмет (*автотранспорт воситаси*) ҳақида маълумотлар;
- автотранспорт восита олиб қочиш усули ҳақида маълумотлар (*транспорт воситасига кириш усули, уни эгаллаш*);
- жиноятчи томонидан қолдирилган изларнинг хусусиятлари;
- транспорт воситани олиб қочишга тайёргарлик кўришнинг ва олиб қочишнинг ҳолатлари (*вақти, жойи, кўриқланиши*);
- жиноятчининг шахси (*агар олиб қочиш гуруҳ томонидан содир этилса, унда бу ерда жиноий гуруҳ ҳақида маълумотлар йиғилиши*);

Транспорт воситаларини олиб қочиш, уларни ўғирлаш мақсадида ёки унинг маълум қисмларини магнитофон, олди ёки орқа ойналари ва бошқа қисмларини ўғирлаш мақсадсиз содир қилинади. Бунда транспорт воситаларини олиб қочиш ўғирлаш мақсадида қилинади, ушбу ҳолат жиноят кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилганидек ўзгалар мулкани ўғирлаш жавобгарлиги бўйича жавобгарликка тортиладилар. Транспорт воситаларини олиб қочиш алоҳида жиноят тури бўлиб, жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

Транспорт воситаларни олиб қочишнинг усуллари кўйидагилар:

- a) транспорт воситасининг ва улар сақланиб келган жойлардаги кулфлар зарар етказмаган ҳолда олиб қочиши;
- b) транспорт воситасини ёки у сақланаётган жойнинг кулфларини калит танлаш ёки махсус мосламалар билан очиб олиб қочиши;
- c) транспорт воситасини ойналари, эшиклари ва сақланиш жойи кулфларини бузиш йули билан олиб қочиши;
- d) транспорт воситасини ишончли суиистемол қилиш ёки алдаш йули билан олиб қочиши;
- e) транспорт воситаси эгасига нисбатан зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб олиб қочиши.

Автотранспорт воситаларини олиб қочиш усуллари турличадир, олиб қочиш усули асосан уни қаердан олиб қочишга боғлиқдир:



1. Очиг тўхташ жойларидан, бунда автотранспорт эгаси автомашинасининг олиб қочилишига қарши чораларни кўрмаган;
2. Очиг тўхташ жойларидан, автотранспорт эгаси автомашинаси олиб қочилишига қарши чоралар кўргандан сўнг;
3. Гараждан ёки бошқа ёпик иншоотлардан.

Биринчи ҳолда олиб қочиш усули алоҳида хусусиятларга эга эмас, жиноятчи эшикни очади, калит билан двигателни ишга туширади.

Иккинчи ҳолда эса, жиноятчи автотранспорт эгаси томонидан ўрнатилган олиб қочишга қарши воситаларни бартараф этгандан сўнггина ҳаракатни амалга оширади (*двигателни ўт олдириши кулфини бузиб, симларни бир бирига улайди*).

Учинчи ҳолда эса жиноятчи автотранспортни фуқароларнинг шахсий гаражидан ёки жамоа хўжалигининг ёпик иншоотларидан маълум бир тўсиқларни бартараф этганидан сўнг ҳаракатни амалга оширади.

Жиноятчи шахс жиноят содир қилиш вақтида ўзининг бармоқ изларини қолдириши ёки бирор бир буюмларни қолдириши (*сигарет қолдиқлари, калит ёки бузилиш воситалари*) ҳарактерли ҳолатлардан биридир.

Жиноятларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар қилинади:

- юк машиналари бошқа жиноятларни содир қилиш учун, ҳайдашни ўрганиш учун ёки сайр учун олиб қочилади.
- енгил машиналарни гараждан махсус қўшимча химоя воситалари ўрнатилган машиналарни олиб қочиш ўғирлик мақсадида қилинади, автомобиллар тўхташ жойларидан асосан кундуз куни, гараждан эса кечки ёки тунги пайтда содир этилади.

Жиноятни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар.

1. Автотранспорт воситасини олиб қочиш жинояти мавжудлиги;
2. Агарда ушбу ҳаракатда мазкур турдаги жиноят таркиби мавжуд бўлса, унда айнан қандай транспорт воситаси олиб қочилган (*тури, маркаси, русум, ҳолати ва белгилари*) автотранспорт кимга тегишли эканлигини аниқлаш;
3. Транспорт воситаси қаердан ва қачон ва қайси вақтда олиб қочилган;
4. Транспорт воситаси қандай воситалар ёрдамида ва қайси усул билан олиб қочилган;
5. Транспорт воситаси ким томонидан олиб қочилган олиб қочиш мақсади ва сабаби.

Ушбу юқоридаги кўрсатилган ҳолатларни аниқланиши жиноятга тўғри баҳо беришга ва уни тавфсиланишига имкон беради.

Транспорт воситалари ва улардан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар жамият ривожланиши билан бирга ривожланиб бораётган ва ўзининг долзарблигини йўқотмайдиган муаммолар каторида ўз ўрнига эга ҳисобланади.

Ҳозирга кунда транспорт воситаларининг такомиллашиб, йилдан йилга ошиб бораётганлиги улар билан боғлиқ жиноятларнинг тобора ўсишига олиб келмоқда. Шунинг учун ўта оғир жиноятлар қаторига кирувчи транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш айни вақтда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳар бир жиноят содир қилиш вақти, усуллари, жойлари буйича ҳамда жиноятлар содир бўлиш натижасида ўзига хос муайян бир ҳолатни белгиловчи жамоатга, иқтисодий-ижтимоий ҳолатларга хавфлилиги бўйича мутлоқ индивидуал хусусиятга эгадир. Бундай элементларни ҳам жиноятнинг криминалистик тавсифини белгиловчи элементлардан бири деб тан олиш мақсадга мувофиқдир.



Жиноятларни тергов қилиш масаласи криминалистика нуқтаи назаридан жиноят содир қилган шахсни аниқлаш, унинг содир қилган жиноятини тўлиқ исботлаш ва уни жиноят содир қилишда тўлиқ фош этиш талаби билан, шу билан биргаликда жиноятни содир қилишда қўлланилган услуб, восита ва далилларнинг ташкил топиши механизмини ҳам аниқлаш билан белгиланади, бу масала жиноятни тергов қилишда, терговни илмий ташкил қилишга, терговни режалаштиришга, тусмолларни тузишда асосли ва пухта тузишга, уларни текширишга ижобий ва унумли бўлган ҳаракатларни ўтказишга имконият яратади. Жиноятнинг криминалистик тавсифининг кейинги белгиси ҳисобланадиган жиноят содир этиш ва уни яшириш усуллари ҳақидаги маълумотлар криминалистик тавсифнинг асосий қисми ҳисобланади, чунки улар жиний фаолиятнинг функционал томонини ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, терговчи қандай турдаги жиноятни тергов қилишидан қатъий назар жиноятларнинг содир этилишига шарт-шароит яратувчи муайян ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш билан бирга жиноятларнинг содир этилишини олдини олиши бўйича чора-тадбирларни кўриши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 17 сентябрь кунидаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақидаги таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: 2018. – 208 б.
4. “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги 32 сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006. Иккинчи жилди. – Т.: Адолат, 2006. – Б. 55-56.
5. Интернет манба: [stat.uz](http://stat.uz).

